

КЎКЛАМ ЭКИШИГА ҲАММА НАРСА ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛСИН!

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-ИЛ ЧИҚИШИ.

№ 39 (4286).

25

ФЕВРАЛЬ

ЧОРШАНБА

1970 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

ГЎШТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

ЯНГИЙЎЛ КОЛХОЗЛАРАРО БЎРДОҚЧИЛИК БАЗАСИНИНГ
1970 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

Область партия комитети бюроси Янгийўл колхозлараро бўрдоқчилик базасининг арзон гўшт етиштиришни кўпайтириш ва колхозлар билан алоқани янада ривожлантириш соҳасидаги қимматли тажрибасини алоҳида баҳолади. Шу билан бирга бюроси база коллективининг 1970 йилги социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Область партия комитети бюроси областью партия комитети ва область ижроия комитети 1969 йил 30 октябрда чиқарган қарорининг

ҳар бир районда колхозлараро бўрдоқчилик пунктлари ташкил қилиш ҳақидаги қисмининг бажарилишини таъминлашни область қишлоқ ҳўжалик бошқармаси, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари зиммасига юкляди.

Янгийўл колхозлараро бўрдоқчилик базасининг атрофлича ўрғаниш ва уни колхозлараро бўрдоқчилик пунктларида амалга ошириш топширилди.

350 минг сўм фойда келтириш учун курашмоқда. Шундай қилиб, бу йилги фойда ўтган йилдагига нисбатан камда 44 процент кўп бўлади. Фойда ҳисобига колхозларга камда 290 минг сўм ўтказилади. 60 минг сўмга яқин пул эса базани кенгайтириш ва уни мустақамлашга сарфланади. 320 бошга мўлжалланган қорамол боқиларига бино-қурилади. Бу ердаги барча ишлар механизация ёрдамида амалга оширилади. Ём тайёрлайдиган бино қурилиши тугалланади, база территорияси ободонлаштирилади.

Чорвадорлар учун маданий мансий шaroит яхшиланади. Қизил бурчандаги китоблар сояни янги китоблар ҳисобига кўпайтирилади. Яна телевизор ва радиоприёмник сотиб олинади. Ҳар ойла чорвадорлар учун икки марта кинофильм кўрсатиб турилади. Чорвадорлар учун қўшимча равишда яна иккита ўн квартиралар тураржой кўриб битказилади.

Чўчка гўштини қўшлаб ишлаб чиқариш учун барча зарур қоралар амалга оширилади. Чорвадорларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга эътибор бериб борилади. Бажа-рилган иш натижасига қараб аккорд мукофот усулида ҳақ тўлаш амалга оширилади. Шу билан бирга чўчка боқари-нинг соғом ўсишини таъминла-гани ва пландагига нисбатан ҳар бир она чўчкадан кўп бо-ла олган чўчкабоқарларга па-тура ҳақи тўлаш жорий қили-нади.

Илрик шохли молларнинг бир неча қундузда 300 грамм-гача, чўчкаларнинг эса 1 кило-граммгача семуштиришни таъ-минлаймиз.

Бир килограмм қорамол гўшти етиштиришга 6,9 чўчка гўшти етиштиришга 7 озука бирлиги сарфлаш билан қўшлаб еш-хашак тежаб қолинади.

Бўрдоқига боқилган ил-рик шохли моллар ҳисобига ҳар бир центнер гўшт етишти-ришга 70 сўмгача, чўчка гўш-ти учун эса 108 сўмгача маб-лағ сарфланади. Ўтган йилда-гига нисбатан сарф-ҳаражат камда 3 процент камайтирил-ди.

Ҳар бир молбоқар 80 бошдан қорамол, чўчкабоқар эса 150 бошгача чўчкани пар-варий қилади.

Бу йил коллектив камда

Социалистик мажбурият Янгийўл колхозлараро бўрдоқ-чилик базаси ишчи, хизматчи ва мутахассисларининг умумий мажлисида муҳокама қилиниб, бир овоздан қабул қилинган.



МЕХНАТДАН

ТОПИЛГАН

БАХТ

Боймурод ана Бўронбоев кўп йиллик ҳалол меҳнати, ташаббус-корлиги, катта тажрибаси билан кўпчилик ўртасида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган киши-лардан.

Боймурод ана буидан олти йил аввал бўлим устахонасида оддий ишчи бўлиб хизмат қилар эди. Бу йиллар совхознинг кўпчи-на бригада ва звеноларида пахта-дан олинаётган - ҳосил жуда кам эди. Пахта ҳосилдорлигини оши-риш, давлатга мўл ва сифатли «оқ олтин» етиштириш ниятида у 1964 йилнинг эрта баҳорига ҳў-жаликдаги энг қўсқоқ звенолардан бирига ўтказилиш соҳаси маъму-риятдан илтимос қилди.

У звенога бошлиқ бўлган қунда-ноқ тажрибали деҳқонлар билан маслаҳатлашди, уларнинг тажри-басига суянди. Ёрми минерал ва маҳаллий ўғитлар билан тўйди-риш, тупроқнинг ширадорлигини оширишга катта эътибор берди. Тадбиркорлик билан қилинган меҳнат кўда ўз самарасини бер-ди. 40 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 23 центнердан ҳо-сил қурилди. Бир йилнинг ўзи-да ҳосилдорлик 5 центнерга кўта-рилди.

Унинг пахта ҳосилдорлигини ошириш соҳасидаги меҳнати ҳуш-матимсо, томонидан «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақ-дирланди.

Пахтакорлар учун оғир налган ўтган йилда ҳам звено коллекти-ви катта маррани эгаллашди. Ўз-ларига қарашли пахта майдони-нинг ҳар гектаридан 24 центнер-дан ошириб «оқ олтин» йиғишти-риб олдилар.

В. И. Лениннинг 100 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда Б. Бўронбоев бошчилиги қилаётган звено пахтакорларининг мақса-длари янада катта. Улар 47 гек-тар пахта майдонининг ҳар гекта-ридан 30 центнердан ҳосил йиғиб, олиш учун ҳозирдан бошлаб меҳ-нат қилиб баҳорги энчи кампания-сига пухта ҳозирлик кўришмоқда. Звено аъзолари - сугориш тармоқ-ларини тозалаш, далага маҳаллий ва минерал ўғит чиқаришляпти.

А. ЭГАМҚУЛОВ.

Бекобод райони

3-«Дальпаркин» совхоз.



ОҚЎРҒОН районидagi «Партия XXII съезди» колхози пахта ҳосили-ни йилдан-йилга ошириш билан бирга ер майдонини кенгайтириш тад-бирларини ҳам кўрмоқда. Колхоз механизаторлари ташландиқ жойлар-ни ўзлаштириб экин ерларига айлантиришмоқдалар. Шу кунларда колхоз ишшлогига борсангиз ер сураётган, текислаётган механизмларнинг ово-зини эшитасиз. Бу ишда илгор тракторчилардан М. Исмоилов, фидонор-лик кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Ҳозир колхозда 14 гектарга яқин янги ер экин эниш учун тайёрлаб қўйилди. Суратларда (юқорида): ил-гор тракторчи М. Исмоилов ва (пастда) ерларни текислаш лаятини кў-риб турибсиз. А. Мальцев фотолари.

МОХИР ШОФЕРЛАР

Усмон шофер бўлишни ёш-лигидан орзу қилар эди. У эг-гу киятига эришиш учун 1965 йилда 74-автобаза ҳузуридаги шоферлар тайёрлаш курсига ўқишга кирди. Уни муваффақи-ятли тамомлагач шу автобаза-да мустақил ишлаб бошлади.

Дастлабки кунлардаюқ у техникага ихлос қўйди, маши-насини кўз қорачиқидан асраш-га, ёнлигини тежаб сарфлашга оdatланди. Орадан 2 йил ў-тгач, Рашидов 2-класс шофер-лигига имтиҳон топширди. Ус-мон бу билан қаноатланмасдан ўз тажрибасини, малакасини ошириш учун тинмай ҳаракат қилди. Натижада 1969 йилнинг кузига 1-класс шофери гувоҳ-номасини олди.

Ҳар бир машина 100 минг километр йўл босгандан сўнг, капитал ремонт қилиниши керак. Ленин, Усмон эҳтиёт, қорлиги, ўз ишчи пухта ағал-

лаганлиги туфайли ҳозиргача ўз машинасида 260 минг кило-метр йўл юрган бўлса ҳам «пўлат оти» ҳамон капитал ремонт талаб эмас. Меҳнатсе-вар йилги беш йиллик планни тўрт йилда бажарди. Ўтган тўрт йилда 108 минг 975 тон-на ўрнига 130 минг тоннадан кўпроқ юк ташинга муваффақ бўлди.

Автобазада У. Рашидов на-би илчан шоферлар жуда кўп-лаб топилди. Демур Ильязов, Петр Надеев, Йўлдош Қўчқо-ров ва Алирза Байрамов син-гари ўртоқлар ҳам беш йил-лик топшириқларини тўрт йилдаёқ ошириб адо этишди. Доҳимиз В.И. Ленин юбилейи-ни ыцасий меҳнат совғалари-билан кутиб олмишга аҳд қил-ган бу азалатлар шу кунларда ҳар наҳонидан ҳам эўр ғай-рат ва шижоат билан ишлаш-ляпти. М. ДОЛИМОВ.

КУРУВЧИЛАР САРДОРИ

Ҳайдар ака ич-ичидан қуво-нади. Пойтахтнинг Навоий но-ми кўчасида салобат тўкиб тур-ган мухташам биноларнинг кўп-чилигига унинг меҳнати синг-ган.

Ҳайдар ака «Главташкент-строй»га қарашли 159-трест 10-қурлиш бошқармасида бир неча йилдан бўён пешқадам бригадига бошчилик қилиб кел-моқда. Унинг бригадаси 15 ки-шидан иборат бўлиб, Чўқурсой-даги 2-ўйсозлик комбинатининг 2-навбати, экскаватор ремонт-и заводининг ётоқхонаси ҳамда Усмон Юсупов кўчасидаги «Ўз-гипроводхоз»нинг маъмурий биноси қурилишида меҳнат қи-лишди.

«Коммунистик меҳнат бри-гадаси» деган шарафли ном учун курашаётган бу коллектив қайси объектни буюб этмасин,

ишнинг сифатига алоҳида эъти-бор беради. Х. Сабириянов, А. Полишков, О. Абдуллаев, Н. Хакимзянов каби пешқадамлар кўчилик нормани 140—150 про-центдан, ойлик топшириқларни эса муттасил ошириб бажариш-ляпти.

Меҳнат қилган элда азиз, дейди халқимиз. Ҳайдар ака Галиев шундайлардан. Унинг кўп йиллик меҳнати муносиб тақдирланган. Унга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми-нинг Фахрий Ерлиги ҳамда трестнинг бир неча бор қиммат-баҳо мукофотлари топширил-ган. Унинг кўксини «Комму-нистик меҳнат зарбдори», «Му-собақа аълочиси» ва «Тошкент қурувчиси» каби нишонлар бе-заб турипти.

Х. ИНОҒОМОВ.

БОБО ДЕХҚОН

Ўйаб эсиб саррин еллар тоғ чоғида. Навбахордан дарак бериб, сўйлаб ўтди. Кўёш тафти ташиб келиб кўчогда. Ҳаёт шавқин, меҳнат шавқин кўйлаб ўтди.

Бобо деҳқон, деразанинг чертди кўклам, Кенг далагини жамолига тўйиб бир бок, Пойқадамнинг узра тўшаб аумрад гилам, Кутар сени йўлларингга бўлиб муштоқ.

— Кел бағримга, чашма меҳринг яна тақдор Жон бағишлаб, сийнам сари оқсин, — дейди.

— Қалбининг кўрин тўккил менга эй миришкор, Ҳарорати тупроғимга ёқсин, — дейди.

Шу тупроқдан тўқлигинг ҳам, шўхлигинг ҳам, Элиг қафта ардоқлаган эътиборинг, Манглай теринг мевасини кўриб баҳам, Таъзим этар, қўл кўксига дуст-ёринг.

Она ерга бирини берсанг, мингини бериб, Ризқ-рузинг — хазиналар кўлф очди. Эъвозласанг, эъвозлайди, ер ҳам эриб — Бошларингдан дурн-гавҳар, зар сочоди.

Бобо деҳқон, деразанинг чертди кўклам, Кенг далагини жамолига тўйиб бир бок, Пойқадамнинг узра тўшаб аумрад гилам, Кутар сени йўлларингга бўлиб муштоқ.

Оқ олтиним кўзда тоғ-тоғ бўлсин, десанг, Дав ганимат, белин боғлаб, далагга чиқ. Дастурхоним нознемагга тўлсин, десанг, Ўт юраклим, ўзин чоғлаб далагга чиқ.

Нурин тўкиб кўкда кўёш порлар бутун, Кўчоқ очиб, она еринг чорлар бутун. Қалб кўрла тўйдир уни сийла деҳқон, Зар тупроғини дайта-дайта ийла деҳқон.

Бирини берсанг, она еринг мингини бериб, Ризқ-рузинг — хазиналар кўлф очди. Қадрагини, қадралиг у ҳам эриб, Бошларингдан дурн-гавҳар, зар сочоди.

Усмон ЖОНГИТОВ.



ЯНГИЙЎЛ районидagi «Интернационал» колхозида деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам яхши ривожланмоқда. Колхоз чорвадорлари давлатга - юқори - сифатли гўшт, жун ва бошқа маҳсулотлар топшириш планларини ошириб бажариш ҳаракатидалар. Бу соҳада қўполлардан Чинибек Паркентов алоҳида намуна кўрсатаётир. Суратда: Ч. Паркентов ўз отарида. К. Мамедов фотоси.

